



# Ishonch

Моҳият

Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Чунки Шарқда азалдан яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрининг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Озод юртнинг обод уйлари

# Янги йилни янги уйда кутиб оламиз

Фарғона вилояти қишлоқларида 2010 йилда намунавий лойиҳа асосида 610 янги уй фойдаланишга топширилмоқда

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, замонавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Фарғона вилоятида ҳам ушбу йўналишда кенг қамровли ишлар олиб борилаётди.



пишқик ва пухта қурилиш материалларидан бунёд этилмоқда. Намунавий массивларда 35,5 километр табиий газ, 22,2 километр ичимлик суви, 19,5 километр электр тармоқлари тортилди, 16,5 километр ички йўллар қурилди. Тошлоқ тумани Терактаги маҳалла фуқаролар йиғинида фойдаланишга топширилган 32 янги уйда хонадон соҳиблари Янги йил байрамини ўзгача қувонч билан кутиб олмақда.

роили уйлар қурилади деб ўйламагандик, — дейди янги уй эгаларидан бири Озодхон Отабоева. — Байрам арафасида беш хонали шинам уйга кўчиб кирдик. Вилоятда 2011 йилда 32 массивда намунавий лойиҳалар асосида 675 уй-жой қурилиши мўлжалланмоқда. Мазкур уй-жойларнинг умумий қиймати 57,3 миллиард сўмни ташкил этади. Аини кунларда бу уй-жойлар қурилиши бўйича пулратчи ташкилотлар танла-

ниб, қурилиш ишлари бош-лаб юборилди. Бувайда туманининг Окқўрғон, Олтиариқ туманининг Бугдойчи, Риштон туманининг Авазбой, Тошлоқ туманининг Қонжирга ва Фарғона туманининг Ёшларобод қишлоқларида барпо этиладиган уй-жой массивларида ерларнинг тайёрлаш ва пойде-

вор қуриш ишлари олиб боришмоқда. Данғара туманининг Найманча қишлоғида қурилиши режалаштирилган 35 уй-жойни 2011 йил Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

Суратда: Тошлоқ тумани Терактаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уйлар. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бугунги кунда дунёда энг ақтуал, долзарб масала. Касаба уюшмаларининг бу ҳаракатдаги иштироки қандай бўлиши лозим?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида ЎзКУФК раиси ўринбосари Норманат Аллаёров, хусусан, шундай деди:

Фикримни Хоразм вилояти мисолида тушунтираман, лекин бу масала барча вилоятларга тегишли.

1. Урганч туманида «Реал парранда» фермер хўжалиги бор. Фермер хўжалиги раҳбари Зафар Тожиев фермер бўлишидан олдин Россияга ишга боради. У ердан бор бисотидан айрилиб, боз устига касал бўлиб қайтиб келади. Режа тузиб, ака-укалари билан яшайдиган уйда оз микдорда товуқ боқа бошлайди. Ҳозир 30 гектар ери, 15 минг товуқ ва хўжалари бор.

Зотли Ломан-браун товуқларини 2011 йилда 50 мингтага кўпайтириш ниятида. Булар амалга ошса, 2010 йилда 780 минг туҳум, 7,5 тонна парранда гўшти ишлаб чиқаришга эришган фермернинг кўрсаткичлари

янада яхшиланади.

Товуқларни сунъий уруғлантириб, жўжа берадиган туҳум ишлаб чиқарилаётгани ҳам таҳсинга лойик, албатта.

Шу ерда бир фикр туғилади. Фермер йўлини тополмай юрган пайтда нега касаба уюшмаси қўллаб-қувватламади, хабар олмади, ёрдам бермади? Шунга ўхшаган қанча тадбиркорлар сарсон бўлиб юргани ҳам бор гап-ку, ахир! Бинобарин, чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорва наслини яхшилаш бўйича амалий иш ва тарғибот қилиш бизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи лозим.

2. Томорқадан фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарур.

## Бу ҳақда Қурултойда гапирилган эди

# Муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласи

Шовот туманида асли касби ўқитувчи бўлган Болтабой Маҳмудов томорқадан 25-30 миллион сўм даромад олиб турибди.

Савол туғилади: хўш, у нималар эвазига бунга эришмоқда? Хоразм шароитида гилос етказиш, атиргул етиштириш анча мушкул. Б.Маҳмудов ҳосилдор гилосни маҳаллий олчага, атиргулни наъматакка пайванд қилиб, шароитга мос нав яратганки, бугун у ўз самарасини бераётди. Ана шундай тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, тарғибот қилиш давр талабидир.

Умуман олганда, томорқадан, ҳар бир қарич ердан умумли фойдаланиш долзарб масала эканлигини доим ёдда

тутмоғимиз даркор.

3. Ташкилот, идора, мактаб, коллеж атрофидаги боғлар парваришига, боғ ва тоқзорларга эътибор қилиш зарур.

Кўшқўпир туманидаги Бормоқ қишлоқ врачлик пунктида 11 киши ишлайди. Атрофида 40 сотихга яқин ерда боғ бор. ҚВП йўлининг ёқасида жойлашган. Йўлдан ҳаммаиш неча марта таб ўтади. Лекин бефарқмиз, лоқайдмиз. Ваҳоланки, тажриба шуни кўрсатдики, ушбу боғни тартибга келтиришга бор-йўғи уч соат вақт кетди.

Боғларга шакл бериш, парваришга, орасига галла, сабзавот экишни ташкил этиш зарур.

(Давоми 2-бетда)

## Хурматли муштарийлар!

2011-йил учун «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига обуна давом этмоқда.

Демак... Сиз обуна бўлишга кеч қолмадингиз. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, дунё саҳида рўй бераётган турли воқеалардан хабардор бўлишни истасангиз, газеталаримизга тезда обуна бўлинг.

Агар... Бир йил мобайнида газеталаримиз билан узлуксиз ошно бўлишни хоҳласангиз, имтиёзли обунадан фойдаланинг. Агар шундай қилсангиз, 1 йиллик обуна тўловидан 15 фоиз кам тўлаб бўласиз.

## Муносабат

# Баҳамжиҳат бўлсак, марра бизники

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева билан суҳбат

— Назира Маманазаровна, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентининг томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси жамоатчилик ўртасида ўқиб-ўрганилаётганидан хабаримиз бор. Бу қизиқининг сабабини нимада, деб ўйлайсиз?

— Назира Маманазаровна, мизни қўлга киритгандан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан воз кечиб, «Ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлини танлаб олдик. Ушбу моделнинг маъно-мазмунини — қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич, изчил олиб боришдан иборат. Ана шундай тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли иқтисодий ва ижтимоий тўфонларни четлаб ўта олдик.

(Давоми 2-бетда)

## Кадрли юртдошлар!

Аждодларимиз она Ерни бежиз муқаддас ҳисоблашмаган. Замин Яратганининг инсониятга ишонмигана эмас, тирлик манбаи, фаровонлик асоси ҳамдир. Шунинг учун ҳам халқимиз «Ерни боқсанг, ер сени боқадир» нақлига ҳамшира амал қилган. Демакки, биз ҳам ерга нисбатан меҳрибон бўлишимиз, унинг бебаҳо неъматларию имкониятларидан умумли фойдаланишимиз шарт. Бунинг учун бизда куч ҳам, имконият ҳам, тажриба ҳам бор.

Ўзбек халқи ва Ўзбекистон тупроғининг қувватидан ранг олган сархил меваларимиз миллитимиз доврғини дунёга таратмоқда. Юртимиз Олтиариқнинг олтиндек узумлари, Бахмалнинг юлдуздек олмаси, Қува анори, Мирзачўлнинг тили ёрар қовунлари билан машҳур. Миришкорларимизнинг меҳнатчи самараси нафақат ички ва ташқи бозорларни тўлдиришда, балки муқим даромад манбаи ҳамдир. Даромад юрт маъмуричилиги, оила фаровонлиги ва хотиржамликка хизмат қилади.

Инсон қачон хотиржам бўлади? Аввало, юртда тинчлик, хонадонда тўқинлик ҳукмрон бўлса. Бугунги ташаббусимиз ҳам шу йўлда хизмат қилсин.

## Хурматли ватандошлар!

Ҳозирда дунё жамоатчилиги томонидан глобал экологик вазият янада мураккаблашганлиги ва атроф-муҳит муаммолари ер юзининг барча ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий тизимлар билан мустаҳкам чатишиб кетганлиги тан олинмоқда. Мамлакатимизда ҳам атроф-муҳит, табиятни муҳофаза қилиш, уни келажак авлодга муносиб етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик сифатида эътироф этилган.

Аждодларимиз анъанасига содиқ қолиб, табиятга чексиз меҳр кўрсатган, «Биздан озод ва обод ватан қолсин» дея эртанги кундан умидвор бўлиб яшайдиган халқимиз. Бугун боғча-мактабларда, олий ўқув даргоҳларида, маданий-маиший бино ва шохобчалар ён-атрофида барпо этилган боғ-роғлар, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрғига қўқ қўшадиган хиёбонлар, йўллар четиди саф тортиб турган, қиш-қировли кунларда изғирин шамоллардан, жазирама ёз фаслида офтоб тигидан сақлайдиган соя-салқин гўшалар қанча кўп бўлса, нафақат руҳий, балки жисмоний саломатлигимизни ҳам муҳофаза қилади. Қолаверса, касаба уюшма фаоллари жамоатчилик назорати асосида дароҳларнинг ҳақиқий экилишига, тўла кўкартириб олинишига бош-қош бўлмоғи лозим.

Истаймизки, юртимиз янада обод бўлсин. Беш-ўн йил ўтиб, эккан ниҳолларимиз меваси фарзандларимиз, набираларимиз, ҳатто улардан кейинги авлодларимиз дастурхонини ҳам тўқин қилсин. Самараси фақат эзгулик бўлган мазкур муҳим ва хайрли тадбирга ҳисса қўйиш ҳаммамизга насиб этсин. Яшайдиган давримизга шукрона келтириб, фидойи бўлайлик! Фидойилик, энг аввал, Ватанини севиш, асраб-авайлаш ва унинг ободлиги учун курашиш демокдир. Бу бахт ҳар биримизга насиб этсин.

Келаётган йилда нишонландиган Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига тўёна сифатида «Кўчат экиш — савобдир» шиори остида хонадонимиз, маҳалламиз, юртимизни янада обод бўлиши учун барчангизни кўчат экишга, гул ўтказишга, томорқангизда мўл сабзавот-полиэ маҳсулотларини етиштиришга даъват этамиз.

# Муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласи

(Боши 1-бетда)

4. Ариқ, зовурларни тозалаш муаммоси атроф-мухитни яхшилаш, экологик муаммоларни ҳал этиш билан бевосита боғлиқ.

Ариқ, зовур ва каналларга ахлат ташлашга эса тоқат қилиб бўлмайди. Тарбия уйдан бошланади, дейишади. Тушунтириш ишлари суст, баъзан умуман эътибор ҳам қилмаймиз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўз-ўзидан дастурхонимизда пайдо бўлиб қолмайдику. Еб турган нонимиз, бугдой қандай етиштирилади: бунди, албатта, билишимиз ва қадрига етишимиз зарур.

Маҳсулот кўпайса, бозор арзон бўлади. Халқимиз фаровон яшайди.

Шунинг учун ҳам, биринчи галда томоркалардан оқилона фойдаланиб, мева-сабзавот етиштириш, чорва молларини кўпайтириш ва кўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда давлат ҳокимияти ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишимиз талаб этилади.

Пахта, галла, мева-сабзавот етиштириш, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик маҳсулотларини кўпайтириш ишларида касабано уюмлари нафақат тарғибот-ташвиқот олиб бориши, балки бу ишларнинг ташкилотчи сифатида ҳукуматимизга яқиндан кўмаклашишлари даркор.

2011 йилнинг Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши бежиз эмас.

Биз ҳам, ўз навбатида, бутун диққат-эътиборимизни фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратмоғимиз лозим.

Бунда, илғор фермер хўжаликлари тажрибасини тарғиб қилиш, аъзоларини рағбатлантириш, кун талабидан орқада қолган фермерлар билан тушунтириш ишларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланган мана бу сўзлар биз учун дастурламал бўлиши лозим: «**Босиб ўтган йўлимизни ва мамлакатимизнинг дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жараёнида тугган ўрнини ҳолис ва танқидий баҳолаб эканмиз, биз эришган ютуқларимизга маҳлиб бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволалиш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур. Бугун биз яшайтган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислохотлар ва модернизация йўлидан тинимсиз ва қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга — тараққий топган, фаровон яшайтган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз.**»

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# Хусусий корхона имкониятлари

**Жорий йилда Сурхондарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 113 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 60 минг 210 иш ўрни яратилди.**

Жарқўрғон туманидаги «Минор СТХФ» хусусий корхонаси аҳолига савдо, матбаа, фото ва бошқа ўттизга яқин турда хизмат кўрсатмоқда. Хусусий корхона хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш баробарида ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиб, ёшларни иш билан таъминлаётир. Корхона цехларида ишлаб чиқарилаётган тикучилик маҳсулотлари ва турли мебеллар хариддорларга манзур бўлмоқда.



— Президентимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган биз, тадбиркорларни янада изланишга ундайди, — дейди корхона раҳбари Олим Нормуродов. — Бундан руҳланиб, ишлаб чиқариш турларини янада кенгайтириш чора-тадбирларини кўрмоқдамиз. Келгуси

йили замонавий технология асосида минерал сув ва полиэтилен пакетлар ишлаб чиқарадиган цехларни ишга тушириб, йигирмадан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Хозир корхонамизда олтимидан ортиқ ёшлар иш билан таъминланган.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири**

Суратда: корхона ишчилари Фотима Қорақулова ва Гулноза Норқобилова. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

## Янги кун янгиликлари

### Йўловчиларга қулайлик

**Жиззах шаҳри ва шаҳар атрофида 950 та митти автобус йўловчилар узогини яқин қияпти. Аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати яхшиланмоқда.**

Йилнинг ўтган даврида биргина Жиззах шаҳрига 50 та «ISUZU» маркали автобуслар келтирилиб, 1-, 8-, 9-йўналишларга қўйилди.

— Шахримизда 36 та йўналиш мавжуд, — дейди йўловчи ташвиш транспорт департаменти бошлиғи Гаппор Эргашев. — Шаҳар ҳокими қарорига кўра, митти автобуслар ягона тасдиқланган трафарет билан ишламоқда. «Олмазор» автошўхбати жорий йилнинг иккинчи ярмидан транспорт ва йўловчиларни яна қабул қила бошлади.

«Отабек супертранс» хусусий корхонаси Халқ банкидан берилган кредит ҳисобига яна 100 та янги «ISUZU» автобуслар келтириб, 13 та йўналиш бўйича иш бошлаб юборди.

Вилоят тармоқ касабано уюшма фаоллари тизимда касабано уюшма аъзоларини афзаллигини асосий билганлари туфайли ҳозирда «Жиззах олимпиада», «Отабек супертранс», «GOLD IGLE SERVIS» хусусий корхоналарида касабано уюшма ташкилотлари тузилиб, улар қизғин фаолият олиб боришапти.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**

**Ўзининг мафтункор автомобиллари билан дунёни забт этаётган «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасида ҳар йили янги йил арафасида болажонлар учун арча байрами ташкил этиш анъанага айланган.**

### «GM-Ўзбекистон»да арча байрами

Бу йил ҳам болажонлар учун арча байрами бошлаб юборилди. Корхонада ишлаётган 7000 дан зиёд

ишчи-ҳодим ва тумандаги кам таъминланган оила фарзандлари учун байрам дастурхони тузалиб, Қор

### Ҳомийлик кўмаги ҳисобига

**Шўрчи туман марказий шифохонаси худудиди қабул диагностика бўлими учун икки қаватли замонавий бино куриб фойдаланишга топширилди. Курилиш ва янги жиҳозлар билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 381 миллион сўм маблағ сарфланди.**

— Мазкур объект мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ишлаб чиқилган дастурга асосан куриб битказилди, — дейди туман ҳокими Эркин Бойниёзов. — Бундай ишлар фақат давлат маблағи ҳисобига эмас, ҳомийлар кўмагида ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик маблағга туман марказий шифохонасининг терапия ва кардиология бўлими сифатли таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди.

**Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири**

### Замонавий мажмуа

**Марғилон шаҳридаги «Надирмат» маҳалласи марказида «Висол» тантаналар мажмуаси куриб ишга туширилди**

Тадбиркор Й.Ҳақижоннинг «Ҳамкорбанк»дан 100 миллион сўм миқдорда олган кредит маблағи ҳисобига ташландик бино ўрнида замонавий тўйхона қад ростлади. Тўйхона билан бирга миллий таомлар ошхонаси ва озик-овқат дўкони ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари ишга тушди. Маҳалланинг чирой очилиши билан бирга, иш ўринларини яратишга имкон туғилди.

**М. МАХМУДОВ**

бобо ва Қорқиз иштирокида турли сахна кўринишлари намойиш этилмоқда.

Ҳар куни 1000 нафар болажон иштирокида тадбирлар ўтказилапти. Жами 5 минг нафар ўғил-қиз учун байрам тадбири ўтказиш режалаштирилган.

Корхона касабано уюшма кўмитаси ва маъмурияти болажонлар байрамини эсда қоларли қилиб ташкил этиш мақсадида ҳар бир болакайга янги йил совғалари улашмоқда.

**Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири**

**Бугунга келиб, Кармана туманида деворбоп курилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони 10 тага етди. Утган йили гишт ишлаб чиқарувчи «Экспресс экономика» корхонаси иш бошлаган бўлса, жорий йилда улар сафига «Кармана Дасд» МЧЖ қўшилди.**

### Харидоргир плиталар

«Кармана ДилНур» ҳам ана шулардан бири бўлиб, тумандаги бетонли йўлак плиталари ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Бу ерга Россияда ишлаб чиқарилган технология ўрнатилган, маҳсулот сифати янада ортди. Банк томонидан янги технологиялар сотиб олиш учун 100 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Корхонада жорий йилнинг ўтган 9 ойида 7500 квадрат метр йўлак плиталари ишлаб чиқарилган бўлса, келгуси йилдан бу кўрсаткич икки бараварга ошиши кўзда тутилмоқда.

**Ёркул УМАРОВ**

# Баҳамжиҳат бўлсак, марра бизники

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Навоий вилоят касабано уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева билан суҳбат**

(Боши 1-бетда)

Агар қарийб йигирма йиллик тараққиёти-мига назар ташласак, турмушимизда, маънавиятимизда, яшаш тарзимиздаги ўзгаришларни асло олдингиси билан тенглаштириб бўлмайди. Олга сурилган концепция эса фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг галдаги босқичи учун чинакам пойдевор вазифасини ўтайди.

Давлатимиз раҳбари демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазибалари ҳақида тўхталар экан, аввало, ҳокимият ва бошқаруви демократлаштириш лозимлигини асослаб берди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот соҳасини янада тақомиллаштириш, юртимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган тараққиётимиз омилилар ҳам муштарак мақсадларимиз йўлининг нечоғлиқ аниқ эканлигини аниқламоқда.

— **Қўшма мажлисда қайд қилинганидек, республикамиз Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги тантанасида мамлакатимизнинг модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида баҳоланди. Ушбу омилиларни сиз қайси жабҳаларда яққолроқ кўряпсиз?**

— Фақат тараққиётимизда эмас, балки онгимиз, интилишларимизда рўй бераётган даврга хос ўзгаришларда ҳам долзарблик акс этаётир. Энг муҳими, эрксевар халқимиз янги давр олдимизга қўяётган талаблар моҳиятини чуқур англаб, уни рўёбга чиқариш учун ўз шаҳиди, куч-қудратини сафарбар этишга тайёр турибди. Айнан ҳеч қимдан кам бўлмаслигини ошқоралаблар ҳам шуни тақозо этияпти.

Узоққа бормай, тажрибамизда тасдиғини топаётган биргина йўналишни айтсам. 1997 йилдан бошлаб куриб келаятган ҳар қайси йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимиз фикру зикри ва интилишларини бишлаштирадиган, ўзига хос куч-қувват бағишлайдиган ном берилмоқда. Узингиз куриб-билиб турганингиздек, йилларнинг қандай аталшидан қатъи назар, бош масала инсон кадр-қиммати, фуқаролар манфаатлари бўлиб қолаётганлигининг ўзбек юртимизда халқпарварлик тамойилларининг тобора улуғланаётганидан далолат.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги кутиб олинганда 2011 йилга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дея эълон қилинганини кўп сонли меҳнатқашларимиз томонидан катта хушнудлик билан кутиб олинди. Зеро, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таъини ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланиши мамлакатни янги босқичга олиб чиқиши ҳеч кимга сир эмас.

Бевосита тараққиётимиз омилиларига тўхталадиган бўлсак, барқамол инсон тарбияси, қонунларимизнинг тобора мукамаллашуви фуқароларимизни эркин, ташаббускорлик руҳида меҳнат қилишга чорламоқда. Пойдевори адолатдан курилаётган жамиятда келажак воқисларимизнинг биздан кўра бахтиёр ҳаёт кечиршиларига эса шубҳа бўлиши мумкин эмас.

— **Кунга кеча ўз ишини тутган Ўзбекистон Республикаси касабано уюшмалари Федерацияси V Курултойи таассуротлари билан ўртоқлашсангиз.**

— Соҳа иши юзасидан хулосалари анча-мунча шакланган инсон сифатида айтишим мумкинки, навбатдаги курултой, очик-ойдинлик, холислик руҳида кенгалиги фикримдаги уйғунлики мутлақо жонлантириб юборди. Концепция тараққиётимизда янги ва муҳим босқични белгилаб берган бўлса, мазкур анжуман барча соҳа ҳодимлари учун кўп йиллик дастуруламал бўладиган қўллаб-қўлланма ва хулосаларни қабул қилди. Улар асосида бевосита давлатимиз раҳбари томонидан ишлари сурилган гоиларни ҳаётга таъбиқ этишимиз учун кенг имкониятлар очилади.

Биласизми, барча талабалар ўз устунгиздан қозонилган галабадан бошланди. Бунинг учун икки хоҳиш ихтиёримизни эгаллаши лозим. Биринчиси — инсонга наф келтириш бўлса, иккинчиси — соф виждонли бўлишдир. Эл ишониб вазифа топширар, ўзини кимнингдир хоҳиш-истағи, истиқболли ҳимояси учун масъул деб билса, инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмайди. Уйлайманки, касабано уюшмаларида давлат ва жамиятни ривожлантиришга арзирли ҳисса қўшиш учун тўлиқ имкониятлар мавжуд. Курултойда қабул қилинган ҳужжатлар олдимизда турган юмушларни бекаму кўст удаллашимизда даъваткор бўлишига ишонаман.

— **Бошланмаж янги йил арафасида хаёлингиздан нималар кечаяпти?**

— Вилоятимизда 202760 нафар аъзони ўз атрофида бишлаштирувчи 1075 та бошланмаж касабано уюшма ташкилоти фаолият юритмоқда. Утган йил сарҳисоби таҳлил қилиниб, янги йил режалари белгилаётган онларда кўнглидан кўп нарса кечаяпти. Гарчанд, кўп ишлар уқдаланган, қатор ибратли натижаларга эришилган бўлса-да, ҳозир утқуқларни кўз-кўз қилишдан йироқман. Чунки утқуқлар ўзимизники. Муаммоларимизга айлиниб келаятган айрим масалалар ечими хусусида ҳозирданок бош қотиришимизга тўри келади. Аъзолар даромадларининг янада ўсишига эришиш, янги иш ўринларининг барпо этилиши, меҳнат муҳофазаси ва унга муносиб маблағ ажратилиши, яққа-ёлғиз ва ёрдамга муҳтож фуқаролар ташвишлари, ишчи ва ҳодимларнинг пешма-пеш соғломлаштири борилиши сингари ўнлаб масалалар ҳар биримиздан фидойилик кутаётир. Бинобарин, бундай ўлчамлар қиймати миқдорда эмас, балки, кўнгли тарозиси билан, инсонларга чексиз меҳр-муҳаббат улашиш орқали амалга оширилади.


Бошланмаж ташкилотлар етакчилари бевосита меҳнатқаш ва ҳодимлар билан иш юритувчи сардорлардир. Ишлар кўламидидаги самара кўп жиҳатдан уларнинг билимдон ва халқчилликларига боғлиқ. Ана шуни назарда тутиб, аввало, ишни бошланмаж ташкилотларни ўрганишдан бошлаймиз. Бирлашма қошида махсус ҳайъат жамоатчилиги асосида ташкил этилган бўлиб, улар белгиланган «ҳафталик»лар орасида жойлардаги аҳвол билан таъинишмоқда. Амалий ёрдам кўрсатилиб, камчиликлар шу ернинг ўзида бартараф қилинмоқда. Баҳамжиҳатлик аъзолар сони ортишига хизмат қилмоқда.

Суҳбатдан фойдаланиб, барча-барчани яқинлаштириб келаятган Янги йил байрами билан муборакбод этаман.

**«Ishonch» мухбири Мансур АЛОВБАТИДОНОВ суҳбатлашди**

# Уй тўйлари яқин

**Қарши туманидаги Кат қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янги Хонобод қўрғонига 50 та намунавий уй-жой курилиши режалаштирилган бўлиб, бюртмачи «Қишлоққурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан ўтказилган танловда «Мурод Али люкс сервис» хусусий корхонаси 20 та, «Жайхун» масъулияти чекланган жамияти 30 та уй-жой куриш учун бош пудратчи сифатида эътироф этилган.**



Худудда 560 миллион сўмлик электр энергияси тармоқлари курилиши бажарилди. Шунингдек, юқори ва паст босимли ГРПлар ўрнатилди ва 340 метр газ қувури ўтқизилди. Ички йўллар асфалт қилинди. Янги уй-жойлар олтидан тўрт гектар ер ажратилиб, тўрт минг тупга

**Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири**



Қува туман «Матлуботсавдо» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Барча юртдошларимизни ва савдо ходимларини яқинлашиб келаётган янги йил байрами билан самимий қутлайди! 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳаётимиз янада фаровон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаллаб бўлсин! Янги йилда хонадонингизга қут-барака, тинчлик-хотиржамлик, ўзингизга сийхат-саломатлик тилаймиз!

Жорий йил Қува туман «Матлуботсавдо» масъулияти чекланган жамияти жамоаси учун баракали бўлди. Барча режалар орғи билан бажаралиб, хайр-саховат тадбирлари кенг кўлабда олиб борилди. Халқ истеъмоли товарлари билан ўзининг эллиқдан ортқ савдо шохобчалари орқали туман аҳолисига чакана савдо, 42 та мактаб ва 7 та жамоат ошоналари, 1 та ресторан орқали умумий овқатланиш, давлат бюджети маблағи билан таъминланадиган мактаб, мактабгача тарбия муассасаларига хизмат қилувчи махсус омбор, тумандаги чакана савдо билан шуғуллануучи юридик ва жисмоний шахсларга хизмат қилувчи халқ истеъмоли товарлари улгуржи омбори ташкил этилган бўлиб, Қува туманининг 200 миң нафардан ортқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиб келмоқда. Барча савдо шохобчалари назорат касса машиналари билан таъминланган. Шундан 15 та савдо шохобчасига банк пластик картчаларига савдо қилувчи савдо терминаллари ўрнатилган. Вазирилар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришни қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш учун қўшимча 5 та шохобча яратилди. Туман аҳолисининг шахсий томорқаларида етиштирилган ва уларнинг ўз эҳтиёжларидан ортқча бўлган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва ички бозорни

мунтазам тўлдириб бориш йўлга қўйилган. Жамиятда 211 нафар ходим ва ишчи-хизматчилар бўлиб, уларнинг 140 нафарини ёшлар ташкил этади. Ҳозирги кунда жамият таркибидеги тикувчилик цехи, оҳак ишлаб чиқариш цехи, 16 та «Кундалик эҳтиёж моллари» савдо дўконлари, барча қулайликка эга 300 ўринли ресторан мавжуд бўлиб, туман ва шаҳар аҳолисига сановат, савдо хизмати кўрсатиб келинмоқда. Корхона ўзининг моддий-техника базасини доимий равишда замон талаблари асосида кенгайтириб келмоқда. Аввалдан қабул қилинган «Комплекс дастур» асосида иш ташкил қилиниб, кейинги йилларда «Кундалик эҳтиёж моллари» савдо дўконлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, замонавий касса назорат машиналари, замонавий ўлчов асбоблари ва қулай савдо шўхозлари билан таъминланди. Янги савдо дўконлари ташкил қилиш, янги объектларни қуриш ҳисобига қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди. Мустақиллик байрами арафасида корхона томонидан Қува туманидаги «Янги Ҳаёт» гузари марказида барча қулайликка эга замонавий савдо комплекси қурилиши тугалланиб ишга туширилди. Савдо комплекси таркибиде 500 ўринли тўйхона, 2 та савдо дўкони, қурилиш материаллари дўкони, жами 300 кв. метр майдонига эга бўлган маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. 2010 йил — Баркамол авлод йилида ишга

туширилган иссиқхонада ёшлар учун 30 та янги иш ўрни яратилди. Иссиқхонада етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари «Матлуботсавдо» МЧЖ савдо шохобчалари орқали туман ва шаҳар аҳолисига мунтазам етказиб берилмоқда. Жорий йилда 82,5 млн. сўмлик хайрия тадбирлари амалга оширилди. 2010 йил 3 декабр — Ногиронлар куни муносабати билан вилоят ХТБга қарашли кўзи оғирлар ва карсоқовлар мактабига 1 млн. 73 миң сўмлик болалар кийим бошлари, тумандаги маиший хизмат касб-хунар коллежига, кўзи оғирлар жамиятига савга-саломлар берилди. Болалар спортини ривожлантириш учун кураш, бокс, футбол тўғрақларига 1 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Тумандаги 17-мактабга 2 млн. 456 миң сўмлик жорий таъмирлаш учун ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Баркамол авлод йили муносабати билан 1988 йилда тузилган Ф. Ҳолиқовга муррақаб бўйрак операциясини амалга ошириш учун 1 млн. сўм сарфланди. Миллий байрамларида, Ҳайит байрамларида ишчи-ҳодимларга, туманининг кам таъминланган оилаларига савга-саломлар улашилди. Таърибли савдо ходими Миродил Ҳайдаров бошчилигидаги аҳил жамоа келаси йилда ҳам янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Уларнинг ишида доимо барака бор. Чунки уларнинг шори битта — меҳр-саховат, одамларга яхшилик қилиш. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолавераси.



Олов — тилсиз ёв

Маълумотларга қараганда, ўтган ўн бир ой давомида юз берган ёнғинларнинг саксон фоизи аҳоли турар жойларига тўғри келади. Пойтахтимизнинг ўзида шу вақт ичида жами 1428 та ёнғин қайд этилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,5 фоизга кам деганидир. Аммо бу тўла маънода хотиржамлик бермайди.

Сафарбарлик

Ёнғинларни келтириб чиқарадиган омиллар турлича, — дейди Республика ИИБ ЁХБ бўлим мудир Исмоил Шарипов. — Содир этиладиган ёнғинларнинг аксарияти хавфсизлик қоидаларини билмаслик ёки унга риоя этмасликдан келиб чиқади. Ваҳоланки, ўтган ойлари мобайнида республикамизда рўйхатга олинган барча корхона, ташкилот, муассаса ва ҳўжалиқларда ёнғинга қарши профилактик ишлар олиб борилиб, мавжуд аҳоли турар жойлари, яъни 5 миллионга яқин хонадон текшириб чиқилди. Мисолларга таянсақ, жорий йилнинг ўн охирида асосий содир бўлган ёнғинлар аҳоли турар жойларига тўғри келиб, улар 7974 тани, маиший ва маъмурий биноларда 236 тани, ишлаб чиқариш корхоналарида 228 тани ташкил этди. Булар ичида меъёр талабларига жавоб бермайдиган электр ускуналаридан фойдаланиш натижасида 2957 та, носоз, қўлбола ясалган иситиш печларидан фойдаланишлар туфайли 1784 та нохуш ҳолат ҳам қайд этилган. Юзага келадиган ёнғинлар асосан беларволик, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ҳамда болаларни назоратсиз қолдириш туфайли эканлигини ҳаммамиз биламиз. Уйда ёлғиз қолган болалар кўпинча гуғурт, электр асбоблар, газ ускуналари, маиший кимё воситалари билан ўйнашдан ҳам хабардормиз. — Ҳозирда кўпчилик ҳамюртларимиз иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланган пропан, метан ва газ ёқилгисини автоматбиларига ўтказган, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ Ёнғиннинг олдини олиш ва назоратини ташкил этиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Пулатов. — Аммо унинг зарур жиҳатларига эътибор бериш керак. Айти шунинг учун мутасадди ходимлар билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги барча автокорхоналар, автотураржойлар ва бошқа тегишли объектларда «Газ-балон» тадбири ўтказилмоқда. Бунда газ-балонларни ўзбошимчалик билан ўрнатиб олган шахслар аниқланиб, уларга қайси корхона билан ҳамкорлик қилиш лозимлиги тушунтирилмоқда. Ҳамшаҳарларимиз томонидан ҳазон, маиший чиқиндиларнинг ёқиб юборилиши натижасида ҳам 720 та ёнғин содир бўлган-ки, буларнинг барчаси атроф-муҳитга, қолаверса, саломатлигимизга етказилган зарар ҳисобланади.

Наргиза АСАДОВА тайёрлади

Тезкор рейд

Ноқонуний савдо

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга қўлба имкониятлар яратилмоқда. Бирок тезкор мўмай даромадга эришиш илнжида ноқонуний ишларга қўл ураётган «ишбилармонлар»нинг учраётгани гаши келтиради. Департаментнинг Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан ана шундай шахслардан бири қўлга олинди. Асли сурхондарёлик Тўлқин (исмлар ўзгартирилган) Тошкентга пул топиш илнжида келган эди. У «Чилонзор» буюм бозорига келди ҳамки, жўяли қарорга келолмади. Кийим-кечак олиб борсамми ёки идиш-товок... Шу пайт ёнига Бекзод келиб, «этил спиртидан яхши фойда қолади, қонунга хилоф бўлса ҳам, амаллаб Сурхондарёга олиб борсанг бўлди, бойиб кетасан», деб қолди. Буни эшитди-ю, Тўлқиннинг тинчи бузилди. Нафсига эғалик қилолмаган Саидқабар АБДУҚОДИРОВ, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Чилонзор туман инспектори

Бузоқнинг юргани...

Департаментнинг Тошкент шаҳар Бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир якунида Самарқанд вилояти Нарпай туманида тутилган Ф.Ҳайдаров қонунга хилоф равишда валюта олди-сотдиси билан шуғулланаётгани аниқланди. 2010 йилнинг 23 июнида пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Қатортол» савдо мажмуаси дарвозаси ёнида фуқаро Г.Собировга ўзбек сўмини АКШ долларига алмаштириб беришни таклиф қилган Фаррух қилмишининг аянчли оқибат билан туғашини кўз олдига келтирмасди. Ноқонуний бойлик орттиратган Ф.Ҳайдаров учун бу кундалик фаолиятга айланган бўлиб, шунинг орқасидан оила боқини ўйларди холос. Шу кун Ф.Ҳайдаров Г.Собирова билан учрашиб, аввал келишилгандек 4000 АКШ доллари савдосини амалга ошира бошлади... Тезкор рейд орқали уларнинг қинғир ишига барҳам берилди. А. АБДУБОИСҲУЖАЕВ, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими катта инспектори

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши

Барча юртдошларимизни, шунингдек, устоз ва мураббийларни, таълим тизими заҳматкашларини кириб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этади. Эзгу ниятлар ва қувончу шодликлар ила эшик қоқаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили барча юртдошларимизга олам-олам шодлик, янги зафарлар олиб келсин! Диёримизда яшаётган ҳар бир оилага бахт ва саодат, сийхат-саломатлик, хонадонларига файзу барака ва хотиржамлик тилаймиз! Янги йил барча юртдошларимиз учун омадлар йили бўлсин!

«Форд»да Қаршидан қайтаёпман. Ёнимдаги икки йўловчи қизғин суҳбат бошлади. — Боя Шерали полвонни сўраган эдингиз, ишлари яхши, толгани тилло бўлсин, тагин қариндоши экан, деб ўйламанг, фақат ҳамқишлоқимиз холос.

айтувди, «машинам элнинг келин тўйларига хизмат қилади», — деб. Айтганини қилди, ҳатто бензин пули ҳам олмайди. Тангилик, элпарварлик, хотамлик бўлса, шунча бўлади-да. Тагин бир нарсани айтишин, икки талабанинг тўлов пубўлмади, бизнинг ҳам бир оғайни-миз фермер, каттагина ери бор, ўтган йили пишиқ гиштдан иморат тиклади, тўй қилди, тўйга кўнадан фақат Абдирахмон «ёзувчи»ни айтибди. Қачон қарасанг, дарвозаси ёпиқ туради. Иккита ҳамсоя билан

ҳангома бўлиб кетди, ишқилиб бирорта қизикчи эшитмасин-да... — Яккабоғлик дўстим бирга ўқиган қизига кўнгил қўйиб ўйланганди, — деди ҳамсуҳбатлардан бири. — Биз талабалар ўшанда тўйни роса қизитгандик. Орадан ўн

Эл дуоси


ди гурунг бераётган ҳамроҳидан. — Хўш, сомонга етмиш, тракторчига ўн беш, ҳашарчиларнинг зиёфати билан юз миңдан ошиб кетди-ёв. — Яшанг, полвон эса ўн бешта оилага трактори билан сомон тарқатиб берди. Бир хомчўт қилинг, нақ бир ярим миллион, тўғрими, жўра? «Нексия» олганда

лини бериб ўқитаяпти. Яна камтаринлиги, одамийлигини айтмай-сизми, элнинг неки ташвиши бор, бир тан бўлиб туради, кўмагини аямайди. Телевизорга чиқарамиз, деб келганларга «мен ҳали ўйлаган ишимни бажарганим йўқ», деб суратга тушмабди. Ҳамроҳи қулди: — Эй, ошна, айтмайин девдим,

суҳбат курганини кўрганам йўқ. Майли, омон бўлсин. Уша оғайни-миз бир кун қўшнисининг яқинда уйланган ўғлини қақриб, бир сирининг арқонини ушлабди-да, суратга бирга тушибди. Сўнгра сирини кўрасига қамаб қўйибди. Сурат тагига «мен фалончига сирин бердим» деб ёзиб юқорига жўна-тибди. Бу гап қишлоққа тарқаб

йил ўтиб, дўстимни сўроқлаб бордим. Иккаласи ҳам мактабда ишлар экан. Дастурхон устида эр-хотиннинг кўнглидаги дардини пайқадим, улар тирноққа зор экан. Қайтаётиб, дўстим юрагини очди: — Жўра, мана ўн йил бўлди, ҳамма нарсамиз бор, фақат бола-миз йўқ, айниқса, Саодат қийна-либ кетди. Ота-онам эса «ажраш»

деб қўйишмапти. Уларни ҳам ту-шуниш керак. Ахир, ёлғиз ўғилман. Нима қилишимни билмай юриб-ман. Шунда оғзимдан бехосдан «са-воб иш қил» деган сўз чиқиб кет-ди. Менинг сўзим дўстимга ҳам маъқул келди ва «бир иш қилишим керак», деб мен билан хайрлашди. Орадан бир йил ўтиб, уйимга дўстим меҳмон бўлиб келди. Аёлининг қўлида мунчоқдек қиза-лоқ, исмини ҳам Саховат деб қўйишди. Кейин билсам, дўстим хароба ҳолда ётган қабристонни девор билан ўраб обод қилибди. Унинг ишини кўрган бутун қишлоқ аҳли дуо берибди. Қаранг, элнинг тилағи вожиб-да, кўп ўтмай дўстимнинг аёли ҳомилдор бўлибди. Ҳамроҳларим бироз тин олиш-ди. Машинамиз ҳам манзилга етиб келди. Кўнглимдан эса: «Элнинг дуоси улўғдир, унга мушарраф бўлиш барчамизга насиб этсин», деган дуо келди. Уролбой ҚОБИЛ, Камаши тумани



# Францияга саёҳат

Юрган дарё

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими бўлимига қарашли умумий ўрта таълим мактабларининг 132 тасида француз тили ўқитилади. Аини пайтда мазкур фан ўқитувчилари 184 нафарни ташкил этади.

Франциядаги 2 ойлик хизмат сафари давомида Давлатбой ИМЭФ (Ўрта Ер денгизи Француз тилини ўрганиш ва татбиқ қилиш институти)да бўлди. Париж, Марсел, Тулуза, Лион, Бордо, Ним Арле, Сете каби шаҳарларда бўлиб, тарихий жойларни томоша қилди.

— Маълумки, Франция замонавий таълим тизими борасида сўнгги икки аср давомида шаклланган ва бугунга келиб бу борада сайёрамиздаги энг илғор мамлакатлардан бирига айланган, — дейди у. — Мутахассислар мазкур давлатда таълим сифати пойтахт Парижда ҳам марказдан узок худудларда ҳам деярли бир хил эканини алоҳида таъкидлашади. Бундан ташқари, Европадаги бошқа мамлакатлардан фарқи ўлароқ, Францияда давлатга қарашли таълим даргоҳларининг хусусий таълим масканларидан нуфузи баландроқ. Яна бир эътиборли жиҳати, ўрта таълим барча фуқаролар, ҳатто чет элликлар учун ҳам bepул.

Йиллар давомида шаклланган анианага кўра, давлат хусусий таълим масканлари учун ҳам кўмак беради. Бюджетнинг 21 фоизи таълим учун сарфланади. Мамлакатда 80 дан зиёд университет, 300 дан ортиқ олий мактаб фаолият қилмоқда. Аини пайтда Францияда ўқувчи ва талабалар сони 15 миллиондан ошади. Уларнинг 20 фоизи хусусий таълим даргоҳларида тахсил олади. Талабалар ўқиш даврида ишлаш ҳам мумкин, фақат уларнинг иш вақти кўнига уч-тўрт соатдан ошмаслиги керак.

Франция университетларида тахсил олмакчи бўлган хорижлик француз тили бўйича DELF ва DALF имтиҳонларини топшириши лозим.

**Икромбек ХОЛМУРОВОВ, Республика педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси**

Яқинда «Ўзбекистон» телерадиоканали ижодий ва муҳандис-техник ходимлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада ривожлантириш, ходимларни спорт билан шуғулланишга кўпроқ жалб этиш ва уларнинг бу борадаги савий-ҳаракатини рағбатлантириш мақсадида шахмат (эркаклар ўртасида) ва шашка (аёллар ўртасида) мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақа «Шатранж» Республика ихтисослашган ўқув-методик спорт марказида ташкил этилди. Холлисикни таъминлаш мақсадида профессионал ҳакамлар жалб этилди.

## Шахмат

## «ТВчи»лар баҳси



Қизгин кечган беллашувлар натижасига кўра, шахмат бўйича Маданий-маърифий ва бадиий-дам олиш дастурлари бош муҳарририят катта муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат қурсатган журналист Камол Матёқубов биринчи, «Ахборот» инфоромацион-таҳлилий дастурлар бош муҳарририятининг биринчи тоифали муҳбири Санжар Тошқулотов иккинчи, Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририят муҳаррири Йўлдош Исмомов учинчи ўринни эгаллади.

Аёллар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда голибликни вилоят муҳбирлари тармоқи муҳаррири Робия Худойбердиева кўлга киритган бўлса, иккинчи ўринни ходимлар бўлими бошлиғи Феруза Аҳмедова банд этди. Учинчи ўрин эса Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририят муҳаррири Дилфуза Шоназаровага насиб этди.

— Мусобақага бўлган қизикувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди телерадиоканал касабга уюшма кўмитаси раиси Норхўроз Раҳимов. — Биринчи турнирда 40 нафарга яқин ходим иштирок этган бўлса, бу йил шахмат беллашувларининг ўзида 100 нафардан зиёд, шашка бўйича эса 60 нафарга яқин ходим қатнашди. Кейинги йилларда соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор берялмиш. Ходимларнинг тақлифига биноан аини кунларда футбол жамоалари тузилапти. 2011 йилда футбол мусобақаларини ҳам ташкил этмоқчимиз.

**Адхам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири**

Қарийб бир ҳафта давомида Бухоро шаҳридаги «Хумо» спорт мажмуаси бокс бўйича мамлакат чемпионати мусобақаларига мезбонлик қилди.

## Бухорода бонг янгради

Мурасасиз баҳслар якунига кўра ўз вази тоифасида сурхондарёлик Расул Жўраев (49 кг.), Андижон вилояти боксчилари Зоҳид Хурбоев (52 кг.), Хуриш Норматов (69 кг.), Ойбек Маъмуллоев (75 кг.), Муҳаммадсўф Сайдов (81 кг.), жиъзахлик Шоҳрух Хўжабеков (56 кг.), Тошкент вилояти вакили Камолдин Аҳмедов (64 кг.), фарғоналик Рамазон Аҳмедов (91 кг.) шохсупанинг юқори поғонасидан жой олиб, мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлдилар.

Қизгин баҳслар остида ўтган беллашувларда 10 нафар бурхоролик боксчи турли вазн тоифаларида рингга чиқдилар. Уларнинг 4 нафари финалгача етиб борди. 19 ёшли Фазлиддин Ғойибназаров ҳал қилувчи баҳсда хоразмлик Фарҳод Полвонов устидан галабага эришиб, 60 кг. вазнда 1-ўринни кўлга киритди. 91 кг.дан зиёд вазнда рингга кўтарилган Ҳамза Аевез ҳам андижонлик Ботиржон Ёқубовни йирик ҳисобда мағлубиятга учратиб, олтин медалига сазовор бўлди. Мезбонларнинг яна икки вакили — Сўхроб Бобоназаров (56 кг.) ва Азамат Эргашев (69 кг.) чемпионатнинг кумуш медалини кўлга киритишди.

**Иzzатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири**

## Кўшхабар Увайсийга бағишлаб....

Жаҳон отин Увайсий таваллудининг 230 йиллиги олдидан Марғилон шаҳридаги шоира уй-музейи қайта таъмирланди, яқин қариndoшлари қабрлари ҳам тартибга келтирилди.

«Саховат» маҳалла фуқаролар йиғини, тарих музейи, Увайсий уй-музейи жамоалари ҳамкорлиқда Жаҳон отин Увайсийга бағишлаб адабий кеча ўтказишди.

Тадбирда Увайсий уй-музейи мудираси Мамлакатхон Хайдарова шоира ижодининг ўзбек адабиётида тугган ўрни, ҳаёти ва фаолияти ҳақида маъруза қилди. Уй-музейда фаолият қўрсатаётган Жаҳон отин Увайсий тўғраги қатнашчилари Мархабо Муродова, Маҳфират Ваҳобжонова, Хуснигор Абдуқаломова ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Тадбир сўнггида ўқувчилар ижросида шоира газалларига басталанган кўшиқлар ижро этилди.

Шундай тадбирлар шаҳардаги 1-тиббийёт ҳамда иқтисодийёт коллежларида ҳам бўлиб ўтди.

## Кўргазма

Марғилон шаҳридаги миллий хунармандчилик маркази ёшларнинг севишли масканига айланган. Бу ерда ҳар йили юзлаб ёшлар таҳрибали усталар кўмағида хунар сирларини кунт билан ўрганишмоқда.

Марказда яқинда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёш хунармандларнинг кўргазмаси очилди.

Айниқса, Маҳмуд Турсунонинг атлас ва адрес махсуслотлари, Нилуфар Тоштемированинг бекасам, шойи, адресдан тикилган либослари, Абдулла Маъмуровнинг турли совға-қўғирчоқлари, ёш чимтар Шукрилло Аҳмадалиевнинг ижодий ишлари томошабинларда илик таассурот қолдирди.

**Муҳаммадjon МАҲМУДОВ, Марғилон шаҳри**



Янги йил арафасида мамлакатимизнинг барча мактабларида савдохонлик байрамлари қизгин тайёргарлик билан ўтаяпти. Жумладан, пойтахтимиздаги 110-умумтаълим мактабида ҳам бу тадбир катта кўтаринкилик билан ўтказилди. Турли эртак қаҳрамонлари кийфасидаги болажонларнинг қувончини кўриб, беихтиёр ҳавасингиз келади.

**Жаҳонгир ЮНУСОВ олган сурат**



## Олтин шодалар

Шарқ Уйғониш даврининг буюк алломаларидан бири, араб ва ажам халқлари устози, ислом оламида «жоруллоҳ» унвонига сазовор бўлган аждодимиз Маҳмуд Замахшарийнинг маънавий меросини ўрганиш борасида салмоқли оқимлар ташланаётгани қувонarliдир. Жумладан, академик Аллбек Рустамов, Убайдулла Уватов, Ўткир Қориев, Зоҳиджон Исломов, Мирзизиз Аъзамов, Пирмат Шермухамедов каби атоқли адиб ва олимларнинг бу борадаги ишлари таҳсинга лойиқ.

Яқинда адабиётимиз аллома қаламига мансуб «Олтин шодалар» («Oltin shodalalar» 2010) номли яна бир асар билан бойиди. Юз мақолалик панд, насиҳат ва ҳикматли сўзлардан тузилган ушбу китоб араб тилида ёзилган бўлиб («Атвоқ уз-захаб»), бир неча хорижий тиллар-

## Китоб жавонингизга

га таржима қилинган. Жумладан, веналик Жозеф фон Хаммер олимп, шарқшунос Барбье де Менард француз, Раҳмий Сиррин турк тилига ўғирган. Асар бундан саккиз аср муқаддам, исломият даврида ёзилгани учун ҳам ҳар саҳифа-

## «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2011 йил 28 январ куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 93-уйда жойлашган Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошкармасининг 1992й.и.ч. д/р 10ВЕ624, бошланғич нархи 2 186 758 сўм бўлган «ВА3-2105»; 1995й.и.ч. д/р 11АС726, бошланғич нархи 1 047 999 сўм бўлган «ВА3-21061»; 1996й.и.ч. д/р 11АЖ222, бошланғич нархи 2 898 532 сўм бўлган «ГАЗ-31029»; 1995й.и.ч. д/р 10ВФ237, бошланғич нархи 2 993 200 сўм бўлган «ГАЗ-3102040»; 1998й.и.ч. д/р 10АС926, бошланғич нархи 2 079 753 сўм бўлган «ДАМАС»; 1991й.и.ч. д/р 10АЖ501, бошланғич нархи 2 464 123 сўм бўлган «ВА3-21063»; 1995й.и.ч. д/р 10АЖ703, бошланғич нархи 1 217 164 сўм бўлган «ГАЗ-31029»; 1998й.и.ч. д/р 10АЖ333, бошланғич нархи 2 498 246 сўм бўлган «ВА3-2110»; 1996й.и.ч. д/р 10АД120, бошланғич нархи 2 871 495 сўм бўлган «ГАЗ-31029»; 1991й.и.ч. д/р 10АЕ893, бошланғич нархи 1 657 409 сўм бўлган «ВА3-21093»; 2000й.и.ч. д/р 01/219АВА, бошланғич нархи 2 166 969 сўм бўлган «ГАЗ-31029»; 1992й.и.ч. д/р 10АЖ754, бош-

ланғич нархи 1 219 919 сўм бўлган «ВА3-2106»; Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 11-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тошкент ислом университети биталинган кўйилди. Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буортма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархининг қамиди 20 фоизи миқдорда закалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН»ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичиди олдинсоти шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар

тўлаб бериш шартлари оқлатилади. Маъзур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо куниди сотилимаган тақдирда навбатдаги ҳафта-ларнинг пайшанба кунлари ўтказилганидан савдоларга қўйилди. Аукцион ўтказилганидан қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуr шоҳ кўчаси, 16-А-уй. Алоқа телефони 233-23-49, телефакс 233-23-40, электрон почта P-A\_DUK@mail.ru. Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг д/р 01/717СВА бўлган «Юндай Галлопер» — 20 600 000 сўмга; д/р 10УЗ283 бўлган «ГАЗ-3110» - 3 650 000 сўмга; Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекциясининг д/р 10АЖ955 бўлган «РАСФ 220301» — 1 050 000 сўмга; «DAVLAT BELGISI» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент Босма фабрикасининг д/р 01/325YAA бўлган «Эсперо» — 6 000 000 сўмга; д/р 10УЗ436 бўлган «Супер Салон» — 7 700 000 сўмга; «Инсон ва

Конун» ҳуқуқий газетаси таҳририятининг д/р 01/767ТАА бўлган «Нексиа» - 12 850 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазиrларининг савдо бошкармаси автокорхонасининг д/р 10ТQ728 — 2 000 000 сўмга ва д/р 10ТQ732 — 1 800 000 сўмга 2та «ЗИЛ-431410»; д/р 10ТQ724 бўлган «ЗИЛ-ММ3-4502» — 3 100 000 сўмга; д/р 10ТQ730 бўлган «ЗИЛ-130» — 1 850 000 сўмга; д/р Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси ОАЖнинг д/р 10АЖ917 бўлган «Дамас» — 4 000 000 сўмга; ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банкнинг қуйидаги филиаллари балансидаги: Юнусобод тумани филиалининг д/р 10АЛ339 — 6 000 000 сўмга; д/р 10АЖ223 — 3 800 000 сўмга; д/р 10АЖ217 — 6 000 000 сўмга; д/р 10АЖ219 — 6 500 000 сўмга; д/р 10АЖ224 — 3 400 000 сўмга; д/р 10А1938 — 7 000 000 сўмга; д/р 10А0623 — 5 000 000 сўмга; д/р 10А0514 — 6 000 000 сўмга жами 8 та «Дамас» русумли автотранспорт воситалари сотилганлигини маълум қилади.

**Insonga naf keltirish**  
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN  
OLY BAXT

**Muassis:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Abdulloq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**  
Alla DOLJENKOVA,  
Anvar YUNUSOV,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Ma'mura ADILOVA,  
Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Oysuluv NAFASOVA,  
Pirimqul QODIROV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Shamsi ESONBOYEV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43  
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**  
Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99893 725 46 40;  
Samarqand + 99866 933 25 04;  
Surxondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99891 679 32 79;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**  
100165,  
Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail:  
mail@ishonch.uz

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
A.Toshev  
Navbatchi:  
Sh. Abdusamadov  
Musahih:  
S. Shodiyeva

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.**  
Sahifalovchi:  
H.Abdullilov

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**  
Korxonalar manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

**O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.**  
Gazeta oltin usulda, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq.

**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**  
Sotuvda erkin narxda.

**«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.**  
Mustafilar fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farg'onaligi mumkin.

**(H) - Tjkorat materiallari**  
Bosishga topshirish vaqti - 21.00  
Topshirish - 21.00

**Byuromta Г — 1151**  
11200 nusxada bosildi  
ISSN 2010-5002  
1 2 3 5